

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА ЎТКАЗИЛГАН ЕР ИСЛОҲАТИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИНИНГ ДАВРИЙ МАТБУОТ САҲИФАЛАРИДА ЁРИТИЛИШИ.

ПЕРИОДИЧНОСТЬ ЗЕМЕЛЬНО-ВОДНОЙ РЕФОРМЫ В ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЕ ОСВЕЩЕНИЕ В ПРЕССЕ

COVERAGE OF LAND REFORM IN FERGANA REGION AND ITS CONSEQUENCES IN PERIODICAL PRESS PAGES

Мингноров Абдухолик Тошмирзаевич

*Низомий номи ТДПУ “Ўзбекистон
тарихи” кафедраси проф. в.б.; т.ф.д.*

e-mail: mingnorov62@mail.ru

Tel: +998 97 736 05 80

Аннотация

Большевиклар ҳокимият тепасига келгач, миллий республикалар, хусусан Ўзбекистонда ҳам ўзларининг ҳукмронлигини янада мустаҳкамлаш мақсадида ер-сув ислоҳати ўтказадилар. Ушбу ислоҳат маҳаллий халқ учун бўлмай балки, босқинчилик сиёсатини олиб бораётган большевиклар манфаати учун хизмат қилди. Ушбу иқтисодий жараёнлар даврий матбуот саҳифаларида ёритиб борилган эди. Бу маълумотларини ўрганиш, таҳлил этиш орқали Ўзбекистонда ўтказилган ер-сув ислоҳатининг моҳиятини англаб етишга хизмат қилади.

Аннотация.

Когда большевики пришли к власти они провели земельную и водную реформу с целью дальнейшего укрепления своей власти в национальных республиках особенно в Узбекистане. Эта реформа послужила не на пользу местному населению а на пользу большевикам проводившим оккупационную политику. Эти экономические процессы освещались на страницах периодической печати. Изучение и анализ этой информации поможет понять природу земельно-водной реформы в Узбекистане.

Annotation

When the Bolsheviks came to power, they carried out land and water reform in order to further strengthen their rule in the national republics especially in Uzbekistan. This reform served not for the local people but for the benefit of the Bolsheviks who were carrying out a policy of occupation. These economic processes were covered in the pages of the periodical press. By studying and analyzing this information it serves to understand the nature of the land-water reform in Uzbekistan.

Калит сўзлар.

Янги иқтисодий сиёсат, ер-сув ислоҳоти, ер фонди, кулоқлаштириш, оммавий жамоалаштириш, курултой, вақф ерлари, мулкдор,

Ключевые слова.

Военный коммунизм, новая экономическая политика, съезд, земельный фонд, оглушение,

Key words.

Military communism, new economic policy, congress, land fund, deafening, chorikor.

Янги иқтисодий сиёсатнинг натижасида большевиклар Туркистонда ҳам ер-сув ислоҳотини амалга оширади. Ушбу жараёнлар даврий матбуотда саҳифаларида кенг ёритиб борилган эди. Большевиклар 1925 йил остонасида

Ўзбекистонда аграр ислохотларни ўтказиш учун шароит етилди, деб ҳисобладилар. 1925 йил ноябрь-декабрь ойларида “Ўзбекистон коммунистлар фирқасининг иккинчи қурултойи [I]” бўлиб ўтади. Қурултойда “ер-сув ислохоти тўғрисида” декрет қабул қилинади. Ўзбекистонда ер-сув ислохотини икки босқичда амалга ошириш режалаштирилди. Биринчи босқичда Самарқанд, Тошкент ва Фарғона вилоятларида амалга ошириш назарда тутилди.

Туркистонда большевикларнинг аграр сиёсати ер-сув муносабатларида хусусий мулкчиликни тугатиб, коллектив хўжаликларни ташкил қилишга қаратилган ҳаракат эди. Шунинг учун большевиклар октябрь тўнтаришининг дастлабки кунларидан бошлаб бу сиёсатни амалга ошира бордилар. Ер-сув ислохотини амалга ошириш учун ер тузиш комиссиялари ташкил этилади. Ушбу комиссиянинг асосий мақсади деҳқонлар орасида тушунтириш ишларини олиб боришдан иборат бўлди. Ер-сув ислохоти натижасида тортиб олинган ерлар большевиклар ҳукуматининг “Ер фонди”га ўтказила бошлади. Бундан мақсад маҳаллий бойларни, мулкдорлар синфини тугатиб, барча ер майдонларни большевиклар мулкига айлантиришдан иборат эди.

1925 – 1929 йиллардаги ер-сув ислохоти оммавий жамоалаштириш (коллективлаштириш) жараёнлари ўз навбатида республикамизда “қулоқлаш тириш” сиёсатини маълум даражада бошлаб берган ҳолат эканлиги билан белгиланади. Ер ислохоти ўзининг бутун мазмун моҳияти билан коммунистларнинг маҳаллий бадавлат хўжаликларни тугатиб, республикада ўз мовқеи ларини янада мустаҳкамлаб олишга қаратилган ҳаракатлардан бири эди. Коммунистларнинг ушбу ислохотни ўтказишдан асосий мақсади камбағал деҳқонларни ер билан таъминлаш бўлмай, балки шу жараён орқали қишлоқда ҳам социалистик жамоа хўжалигини шакллантиришдан иборат бўлган эди.

Дастлаб, ер-сув ислохоти 1920 йил бошларида бошланган бўлсада, кейинчалик бу жараён янада авж ола бошлади. Даврий матбуот саҳифаларида “ер-сув ислохоти” [II] га оид жуда кўплаб материаллар бор. “Бу масала биринчи бор 1918 йил шўроларнинг олтинчи қурултойида кўтарилган эди. Аммо ушбу масала натижа бермади” [III].

Акмал Икромов ер ислохотига оид масалада шундай маъруза қилади: “Ер ислохоти фирқамизда кўп вақтдан бири музокара қилинмоқда. Бу масалани биринчи мартаба 1918 йили олтинчи фавқулотда шўролар қурултойида кўйилган эди. Бундан кейин ҳам барча шўро қурултойларида деярли ер ислохоти масаласи кўтарилган ва ҳар сафар ушбу масалани қувватлаб қарорлар чиқарилди. Аммо бу қарорларни амалга ошириш мумкин бўлмади. 1920 йилдаги ер ислохоти маълум даражада сиёсий йўналишдаги ислохот эди. Шунинг учун қаноатлантирадиган натижа бермади. Чунки, у синфий қаршиликларни ҳал қилиш йўлидан бормасдан, миллий муносабатларни ҳал қилиш йўли билан кетди. Ер ислохотининг маъноси шуки, у орқали бутун иттифокнинг ёрдами билан мамлакатимизда социализм тузиш учун йўл очиш, тозалаш” [IV], бўлди, деган фикрни билдиради.

Ер ислохоти тўғрисида “Қизил Ўзбекистон” газетаси шундай ёзади: “Ер ислохотининг амалий ишлари 6 декабрдан бошланди. 16 январгача тўпланган

маълумот бўйича ер ислоҳоти ўтказилаётган уч вилоятда 423 та катта бойлар рўзғори тугатилди. Улардан 140 726 таноб ер олинган. Бу рўзғорлардан 1 466 та бош йирик мол, 2 408 та уй асбоблари олинган. Фарғона вилоятида 365 та катта савдогар рўзғорлари тугатилган. Улардан 12 209 таноб ер олинган. Фарғона вилоятида 305 та рўзғордан 21 322 таноб ер, 118 та мол олинган. Самарқанд вилоятида 171 та рўзғордан 10 322 таноб ер, 218 бош мол олинган.

“Қизил Ўзбекистон” газетасининг 1926 йил 29 январь сонида ер ислоҳотига оид қуйидагича маълумот берилган: “Фарғона ер ислоҳоти вилоят комиссиясининг ўн кунлик (7январдан 16январгача) фаолиятида вилоят ер ислоҳоти комиссиясининг аъзолари 10 кунда 20та районни текшириб чиқдилар. Қўқон туманида 11та бўлисда ишлар тамом бўлди. Асбобларни мажбурий соттириб олиш ишлари 20 январда бутун районларда тамом бўлади. 17 январгача бутун вилоятда 684 та от, 6 та туя, 49 та арава, 14 та от-арава асбоблари мажбурий соттириб олинган. Бутун Фарғона вилоятида 1926 йил 14 январгача 960 та савдогарлар рўзғоридан 29,404 таноб ер ҳамда 314 та катта бойлар рўзғоридан 9 138 таноб ер, 478 та от, 889 та хўкиз, 8 та эшак, 906 та кетмон, 818 та омоч, 681 та ўроқ, 34 та теша, 99 та мола, 68 та от-арава асбоби, 339 та арава, 10 та темир паншаха, 59 та ходи, 124 та эгар, 3 та шамол машинаси, 8та экиш машинаси мусодара қилинди.

Эгалари йўқ деб топилган 71 та рўзғордан 132 таноб ер олинган. Нормадан ортиқ ерлари бўлган 5 320 та рўзғордан 127,253 таноб ер олиб қўйилган. Қуйида келтириладиган манбада Фарғона водийсидаги туманлардаги ва бутун вилоят бўйича ер ислоҳоти муносабати билан амалга оширилган ишлар хусусида шундай маълумот берилган: “Қўқон туманида 18 та катта мулкдор рўзғоридан 9 213 ярим таноб ер, 620 та савдогар рўзғоридан 6 545 таноб ер, ортиқча ерлари бўлган 3 072 та рўзғорлардан 27 414 таноб ер, 34 та вақф жойлардан 1 888 таноб ер, 22 та давлат мулки бўлган жойлардан 2 752 таноб ерлар олиб қўйилган. Жами 3 766 та рўзғордан 47 812 таноб ер олиб қўйилган.

Энди Фарғона водийсидаги туманларда ер ислоҳоти муносабати билан аҳоли дан олиб қўйилган нарсалар қуйидагича эди:

Қўқон тумани бўйича мусодара қилинганлар	Номи	Олиб қўйилганлар сони
	от	75та
	хўкиз	119та
	арава	12та
	кетмон	20та
	омоч	11та
	ўроқ	31та

Наманган туманида 77 та катта мулкдор рўзғоридан 30 351 таноб ер, 161 та савдогар рўзғоридан 3 978 таноб ер, ортиқча ерлари бўлган деб топилган 1 543 та рўзғордан 64 689 таноб ер, эгалари йўқ деб топилган 446 та рўзғордан

9 874 таноб ер, 6 та вақф ерлардан 982 таноб ер, 2 та давлат мулки бўлган жойдан 2 130 таноб ер олинган. Жами 2 235 та рўзғордан 112 004 таноб ер олинган.

	Номи	Олиб қўйилганлар сони
Наманган тумани бўйи ча мусодара қилинган лари	от	119 та
	хўкиз	221 та
	туя	2 та
	арава	67 та
	кетмон	115 та
	омоч	148 та
	ўрок	38 та

Андижон туманида 85 та катта мулкдорлар рўзғоридан 42 618 таноб ер, 432 та савдогарлар рўзғоридан 15 082 ярим таноб ер, ортиқча ерлари бор деб топилган 831 та рўзғордан 42 046 таноб ер, эгалари йўқ деб топилган 181 та рўзғордан 3 574 таноб ер, 3 та вақф жойлардан 827 ярим таноб ер майдонлари олиб қўйилган. Жами: 1 533 та рўзғордан 104 147 таноб ер майдонлари олиб қўйилган.

	Номи	Олинганлар сони
Андижон тумани бўйи ча мусодара қилингани	от	234 та
	хўкиз	491 та
	туя	5 та
	эшак	12 та
	арава	197 та
	кетмон	591 та
	омоч	688 та
	ўрок	539 та

Марғилон туманида 106 та катта мулкдор рўзғордан 51 013 таноб ер, 45 та савдогар рўзғордан 2 099 таноб ер, ортиқча ерлари бўлган 1 929 та рўзғордан 94 324 таноб ер, 2 та вақф жойдан 1 679 ярим таноб ер олинган. Жами: 2 082 та рўзғордан 149 115 таноб ер олинган.

	Номи	Олинганлар сони
Марғилон тумани бўйи ча мусодара қилингани	от	161 та
	хўкиз	276 та
	арава	115 та
	кетмон	270 та
	омоч	143 та
	ўрок	82 та

Бутун Фарғона вилоятида 287 та катта мулкдор рўзғоридан 133 196 ярим таноб ер майдонларини, 1 324 та савдогар рўзғоридан 35 490 таноб ер майдонларини, ортиқча ер майдонлари деб топилган 8 202 та рўзғордан 232 021 таноб ер майдонлари, эгалари йўқ деб топилган 627 та рўзғордан 13 548 ярим таноб ер майдонлари, 45 та вақфга тегишли 5 377 таноб ер майдонлари, 24 та давлат мулки бўлган жойдан 4 882 таноб ер майдонлари олинган. Жами: 10 509 та рўзғордан 424 514 таноб ер майдонларини тортиб олиниб, мусадара қилинган” [V] лиги тўғрисидаги манбаларни учратиш мумкин.

Фарғона вилояти буйи ча мусодара қилингани	Номи	Олинганлар сони
	от	604 та
	хўкиз	1 133 та
	туя	7 та
	эшак	20 та
	арава	417 та
	кетмон	1 046 та
	омоч	1 014 та
	ўроқ	732 та

Энди эса ташкил қилинган хўжаликларга берилган асбоб-анжомлар хусусидаги маълумотларга эътибор қаратамиз:

“9,977 та чорикор рўзғорлари ўрнаштирилиб, уларга 82,816 ярим таноб ер, 140 та от, 249 та хўкиз, 8 та эшак, 267 та кетмон, 175 та омоч, 119 та ўроқ, 34 та теша, 68 та от-арава асбоби, 113 та арава, 28 та мола, 10 та паншаха, 26 та ходи, 107 та эгар, 3 та шамол машинаси, 8 та экиш машинаси берилган” [VI]. Агар юқорида келтирилган маълумотлар эътибор билан таҳлил қилинадиган бўлса, ер ислоҳоти компанияси большевиклар ҳукуматининг Ўзбекистондаги талон чилик, босқинчилик сиёсатини янада аниқроқ намоён бўлади.

Большевикларнинг ер-сув ислоҳоти туфайли ўзлаштириб олган мулки куйидаги кўринишдан иборат эди:

Ер ислоҳоти туфайли тортиб олинган мол-мулк ҳисоби	Янги тузилган чорикорлар рўзғорига тарқатилган мол-мулк ҳисоби	Ўзлаштириб олинган мол-мулклар ҳисоби
165,927 таноб	82,816,5 таноб ер	83,111,5 таноб ер
47 та	140 та от	338 та от
889 та хўкиз	249 та хўкиз	640 та хўкиз
8 та эшак	8 та эшак	0
906 та кетмон	267 та кетмон	639 та кетмон
818 та омоч	175 та омоч	643 та омоч
681 та ўроқ	119 та ўроқ	562 та ўроқ

34 та теша	34 та теша	0
68 та от-арава анжомии	68 та от-арава анжомии	0
339 та арава	113 та арава	226 та арава
99 та мола	28 та мола	71 та мола
10 та паншаха	10 та паншаха	0
59 та жоди	26 та жоди	33 та жоди
124 та эгар	107 та эгар	17 та эгар
3 та шамол машина	3 та шамол машина	0
3 та экиш машина	3 та экиш машина	0

Ўзбекистонда ўтказилган ер-сув ислохоти зўровонлик йўли билан хусусий мулкчиликни йўқотиш, ушбу ислохотга қарши бўлган маҳаллий шахсларни қатағон қилиш усули билан амалга оширилди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, большевиклар Ўзбекистонда ер-сув ислохотини ўтказиши орқали:

- биринчидан, маҳаллий бой ва ўзига тўқ оилаларни тугатишда камбағал табақалар ҳаракатларидан фойдаландилар;

- иккинчидан, коммунистлар бой оилаларни ўзига тўлиқ тобе қилиш учун улар билан ўрта ҳол ва камбағал оилалар ўртасида зиддият чиқаришга интилди;

- учинчидан, большевиклар ўзларини доимо камбағалларнинг ҳимоячиси сифатида кўрсатишди;

- тўртинчидан, коммунистлар ер ислохотини турли хил меъёрлар орқали (бойлар, муштумзўрлар, савдогарлар, ошиқча ери борлар, яшириб қўйилган ерлар, эгаси маълум бўлмаган ерлар ва х.к) ўтказиб, уларнинг мулкларини тортиб олганлар;

- бешинчидан, коммунистлар тортиб олинган бойликларнинг озроқ қисмини янги тузиладиган жамоа хўжаликларга номигагина тарқатилиб, асосий қисмини ўзлаштирганликларини манбалар тасдиқлаб турибди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар. (REFERENCES)

1. “Қизил Ўзбекистон” 1925. – №286; – №288; – №290; – №292; – №293; – №294;

2. Ер ислохоти // Қизил Ўзбекистон. – 1925. – № 242; Ер ислохоти тўғрисида // Қизил Ўзбекистон. – 1925. – №243,244; Ер ислохоти тўғрисида А.Икромов маърузаси // Қизил Ўзбекистон. – 1925. – №290; Ер ислохоти ва кўшчилар // Қизил Ўзбекистон. – 1925. – № 246; Ер ислохоти инқилобий бир масаладир. 1925. – № 290; Ер ислохоти ва рухонийлар. 1925. – № 292; Ер

ислоҳотининг ўтказиш компанияси.1925. – №293; Ер ислоҳоти ва пахтачилик 1926. – № 30(345) Фарғонада ер ислоҳоти тамом бўлди.1926. – №31(346); Ер ислоҳоти амалда бўлсин // Туркистон. – 1924. – № 220.

3. Масаланинг тарихи // Қизил Ўзбекистон. – 1925. – № 290.

4. Ер ислоҳоти тўғрисида Икромов маърузаси // Қизил Ўзбекистон. – 1925. – № 290.

5. Олинган ерлар ва мусадара этилган асбоблар // Қизил Ўзбекистон. – 1926. – № 34(349).

6. Туман,кент ва қишлоқларимизда ер ислоҳотининг бориши// Қизил Ўзбекистон. – 1926. – №25.